

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу аънавага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуг сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон

Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **“Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонатини, истиқлол ғояларига садоқатини намойён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва

ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилошларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қириш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

Қарши тиббиёт коллежи — Қашқадарё вилоятидаги нуфузли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан бири.

Бу ерда уч мингдан зиёд ўқувчи тиббиёт ҳамшираси, даволаш иши фельдшери, фармацевт ассистенти, ортопедик стоматология техниги, тиббий лаборант мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқда. Замонавий шарт-шароитга эга ўқув масканида назарий ва амалий машғулотлар юқори савияда олиб борилаётир.

Коллежни бу йил 1 минг 602 нафар йигит-қиз тугатади. Тегишли муассаса ва ташкилотлар билан уч томонлама тузилган шартномалар бўйича битирувчиларнинг барчаси ишга жойлашади.

Суратда: ўқувчи Севинч Ражабова.

Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь куни расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Бу галги олий даражадаги Ўзбекистон-Қозоғистон учрашувига аънавий дўстлик ва

ишонч муҳитида давлатларaro ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамаси учун қулай имконият сифатида қаралмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим савдо ше-

ригидир. 2012 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Халқларимизнинг кўп асрлик муштарак аънавалари, урф-одат ва қадриятларига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам давлат раҳбарларининг диққат марказида туради.

Расмий ташрифнинг асосий

тадбирлари 14 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини турли соҳаларда янада ривожлантиришга қаратилган ўзаро манfaatли икки томонлама ҳужжатлар имзолашни режалаштирилган.

ЎЗА

Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати

бунда мутасадди ташкилотлар вакилларининг ҳисобдорлигини янада ошириш лозим

Парламентда

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламентнинг назорат қилиш борасидаги ваколатларини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатларининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг 2012 йил якуни ҳамда 2013 йил I-чорак якунлари ижроси кўриб чиқилди.



2 >



Сурхондарё: янги ланишларнинг ҳаётбахш палласи

Озод ва обод юртимизнинг бу дилбар гўшаси ҳақида гап кетганда аввало кўз ўнгимизда алпқомат, паҳлавон йигитлар гавдаланади. Асли табиатига мос тантилик, қатъиятлик ва албатта мардлик ҳамда жасорат уларнинг фазилатларини бойитади. Шунга монанд қизлари ҳам гўзал, ораста. Ўзларининг ҳеч бир жойга ўхшамас, бетакрор заминига чин дилдан меҳр боғлаган, унинг тақдирини ўз тақдири, деб билишади. Шундай юрда туғилганидан, униб-ўсганидан доимо чексиз фахрланишади.

Кун сайин гуллаб, яшнаб бораётган Сурхондарё вилоятининг қаерида бўлманг, ким билан гаплашманг бугунги шуқуҳли кунларга шуқуҳлиликни ҳис этасиз. Янгиланишларнинг ҳаётбахш палласи мамлакатимизнинг жанубий ҳудудига ўзгача шуқуҳ ва файзу тароват бахш этди.

5 >

Репродуктив саломатликдан — банк кредитларигача

“Адолат”нинг адолатли аёллари

Ҳеч истисносиз айтиш мумкинки, ўз-ўзига талабчан, маданиятли ва дунёқарши кенг одамлар жамланган Самарқанддаги маҳаллаларда ҳар қандай учрашув, мулоқот ва тарғиботлардан мақсадингизни дарров фаҳмлаб олишади. Ва сизнинг ташрифингиздан қандай натижа чиқиши ҳақида зарур ҳулосага келишади.

4 >

Диққат, янги рукн! Партия фаолига кўмак

Депутат сўрови

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.

5 >

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

7 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг IX Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров ўз аризасига кўра вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси этиб Наримон Маждидович Умаров сайланди.

Пленумда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши таркибига ҳам ўзгартаришлар киритилди.

Семинар-тренинг

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Депутатлик гуруҳлари ҳисобдорлиги

эришилаётган ютуқлар салмоғини оширади

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари, ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассислари иштирок этган тадбирда асосий эътибор сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ҳамда давлат ва маҳаллий даражадаги дастурлар ижросини таъминлашдаги иштирокига қаратилди.

— Ўн нафар депутатни бирлаштирган партия кенгашимиз депутатлик гуруҳининг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда муносиб ўрни бор, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Парманова. — Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида депутатлар томонидан маҳаллий ижроия ҳокимият органлари раҳбарлари номига юририлган 12 та депутатлик сўрови ижобий ҳал этилди.

Жорий йил 9 апрель куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида партия депутатлик гуруҳи номидан депутатлар муҳокамасига "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисида ва Тошкент шаҳридаги умумий овқатланиш тармоғи объектлари ва новвойхоналарда архитектура, ёнган хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисидаги масалаларнинг олиб чиқиши ҳам улар фаолиятининг самарасидир.

ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Р.Саидовнинг маърузаси ҳам иштирокчилар эътиборида бўлди. Маърузачи томонидан мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг фаолияти аниқ далиллар билан таҳлил этилиб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матбаев эса ўз маърузаси орқали депутатлик гуруҳи фаолиятида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйлаётган камчиликларга эътибор қаратди.

— Депутатлик гуруҳимизнинг доимий фаолият олиб бормаятганлиги, партия фаолияти билан боғлиқ конференциялар, семинар ва тадбирларда мунча иштирок этмаётганлиги бизнинг асосий камчилигимиздир, — дейди маърузачи. — Мазкур муаммоларни бартараф этиб, мунтазам фаолиятни йўлга қўйиш учун депутатнинг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларини ҳар чорақда ва йил якунида депутатлик гуруҳи раҳбарига тақдим этилишини ва ҳар ойда ўзаро учрашув ҳамда йиллар ташкил этишини йўлга қўйишимиз даркор.

Семинар сўнггида кўтарилган масалалар юзасидан иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланб, берилган савол ва таклифларга мутасаддилардан атрафлиха жавоблар олинди.

Ойбек ТАЖИБАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот котиби

Сафимиз янада кенгайди



Бошланғич ташкилот — партия негизи

Бугунги кунда сиёсий партиялар жамиятда мустақам ўрин эгаллаши учун электротар манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий таклифларни илгари суриш ва уларни амалга ошириш йўлида салмоқли ишларни амалга оширмақдалар. Бу жараёнларда бошланғич ташкилотлар фаолияти эса алоҳида ўрин тутати. Чунки БПТ электротар билан бевосита ишловчи, жойлардаги мавжуд муаммолардан хабардор бўғиндир. Шу боис, куй ташкилот фаолиятини қучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва ғоясини амалга ошириш йўлида самарали натижаларга эришиши мумкин.

Бугунги кунда Гулистон шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 34 та куйи ташкилоти, 848 нафардан зиёд аъзоси мавжуд. Бошланғич ташкилотларнинг партия шаҳар кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан яқин ҳамкорлиги ишлар самарадорлигини оширмақда. Қолаверса, шаҳар партия ташкилоти БПТлар ишини янада такомиллаштириш, партия аъзоларининг ҳуқуқий, сиёсий билимларини бойитиш масаласига ҳам эътиборни қучайтирган. Бунинг натижасида ўз амалии ишлари билан аҳоли орасида тобора обрў-эътибори юксалиб бораётган гулистонлик партиядошларимизнинг сафи кенгаймоқда.

Бугунги кун шиддати билан ҳамнафас, ҳамқадам, сиёсий фаол, етук аъзолар янги ташкил этилаётган БПТларга уюшмоқда. Яқинда Республика шойлиқин тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиали қошида партиянинг яна бир йирик бошланғич ташкилоти тўзилди. Шу кун Гулистон шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда куйи бўғин сафига 226 нафар киши қабул қилинган, айниқса, эътиборлидир. Куйи бўғин етакчилиги

олий тоифали ҳамшира, партия фаоли Дилбар Қодировани ишонб топширилди.

Таъкидлаш жоизки, шойилиқ тиббий ёрдам илмий марказида айнан "Адолат" социал-демократик партияси куйи бўғинининг ташкил этилиши партиянинг бошқа йўналишдаги дастурий ғоя ва мақсадлари қатори тиббийёт соҳасидаги вазифаларини ҳам кенг тарғиб этиш имконини беради. Социал-демократик ғоялар ўзининг ҳаётлиги, электротар манфаатларига хизмат қилиши билан ва энг асосийси, аҳоли қатламининг катта қисмини ўйлантираётган, қийнаётган ижтимоий-сиёсий масалаларга ечим топишда аҳоли бошини қувватлаб, биргаликда, яқинлик билан ҳаракат қилишга ундамоқда, — дейди Д.Қодирова.

Шунингдек, тадбирда сўз олган партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши раиси Балижон Тўйчиев БПТ фаоллари аввало, аъзоларни қўллаб-қувватлаш, янги инновацион ғояларга эга партиянинг фаолиятини янада ривожлантиришга, жамиятнинг сиёсий сахнасига янги ташаббуслар билан чиқишга ҳисса қўша оладиган фаоллар сафини кенгайтиришга эътибор қаратиш

лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Жойларда партия куйи бўғинини ташкил этиб, унинг ғояларини тарғиб қилиш, шунингдек, ҳамфикр янги аъзоларни жалб қилиш орқали ҳудудда муаммолар масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечимига оид амалии таклифларни ишлаб чиқишда жонқурлик кўрсатган, янги ташаббуслар билан чиққан бошланғич ташкилот аъзолари, фаолларини қўллаб-қувватлаш фаолиятимиз мезонига айланиши лозим, — деди маърузачи.

Сўнгги йилларда "Адолат" СДП Сирдарё вилояти Кенгаши фаолиятида анча катта таъриба йиғилганини сезиш мумкин. Бунинг билан шаҳар ва туман кенгашларида тузилаётган янги БПТлар ва партияга хайрихоҳлик билдириб, унинг сафига қираётган аъзолар мисолида кўришимиз мумкин. Биргина Гулистон шаҳар Кенгашининг ўзидан йирик БПТлардан ҳисобланган вилоят ДСЭНМ қошида тузилган куйи бўғин ва ОИТСга қарши курашиш марказида ташкил этилган БПТлар 110 нафар аъзони бирлаштириб, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, депутатлик гуруҳлари, партия ҳудудий кенгашлари билан алоқани изчил йўлга қўйиш ва депутатларнинг электротар билан ўзвий алоқа ўрнатиш, сайловчилар муаммоларига ечим топишда асосий таъин вазифасини бажараётганини кўриш мумкин. Айтиш жоизки, бугун партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши ёрдамида 226 нафар аъзони бирлаштирган БПТнинг ташкил этилиши партия дастури ва ғояларини тарғиб этишда кўп қилиш мумкин.

Тадбир сўнггида келгуси фаолиятда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Янги аъзоларга партия билетлари топширилди.

Азизхон ЭШОНХОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

"Адолат" ёшлари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши одатдагидан ўзгачароқ бошланди. Партия-миз аъзоси, чортоқлик спортчи Сарварбек Муродуллоев партиянинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Сарварбекнинг олтин медали



Гап шундаки, яқинда у Хиндистонда қаратэ бўйича "Kamagata Cup" халқаро мусобақасида қатнашиб, 60 кг. вазн тоифасида ката йўналишида (техникани намойиш этиш) биринчи ўринни олди. Бошқа бир йўналиш — кумитэда эса финалгача етиб борди. Фақат жиндай хато эвазига мезбонлар вакилига имкониятни бой бериб қўйди. Натижада олтин медал ёнига "кумуш" қўшилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП партияси Қортоқ туман кенгаши раиси Ҳабиба Мирабдуллаеванинг айтишича, Сарварбек спорт билан нисбатан кеч, яъни ўн ёшидан бошлаб шуғулланишга — киришганига қарамай, тиришқоқлиги, чарқайлиги, меҳнатқашлиги туфайли тезда маҳоратини ошириб бориш йўллари топланган. Бунда унга устози, наманганлик танқили мурабий Абдулло Тошбоев ҳам ёрдам берган.

Шу кунларда Сарварбек яна машқларга зўр бермоқда. Орада педагогика коллежиде битириш имтиҳонлари

ни топириб турибди. Дипломни олгач, болаларга ўз маҳорати сирларини ўргатишни бошлайди. Айни пайтда қатор янги мусобақаларга тайёргарлик қўриши лозим. Тез орада Туркиянинг Истанбул шаҳридаги халқаро турнирда иштирок этади. Сентябрь ойида Италияда ўтказиладиган Жаҳон кубогига мусобақаларига ҳам таклифнома келган.

Вақти чегараланган бўлишига қарамай, Сарварбек ҳам спорт билан шуғулланишга, ҳам турли тадбирларга вақт ажратати. Айниқса, Хиндистондан қайтгач, уни мунтазам ёшлар билан учрашувларга чорлашмоқда. Қўни кеча Чортоқ туман партия кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти вакиллари ҳам маҳоратли бартэчи билан учрашув ўтказди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Ижтимоий адолат ва миллий тараққиёт

Жараён

Ҳаётда адолат, имон-этиқод, ишонч, инсоф-диёнат, ҳалоллик, поклик, саховат ва меҳр-мурувват деган тушунчалар борки, уларнинг ҳаммаси жам бўлиб, яхлит маънода инсон ва у яшаётган жамиятнинг маънавий-руҳий олами, ахлоқий қомиллиги даражасини белгилайди. Ижтимоий адолат тамойиллари ўс-тўвор бўлган жамият эса янада такомиллашади. Иқтисодий-маиший жабҳада келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни тадбиркорлик билан кўриладиган чора-тадбирлар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Бироқ маънавий-ахлоқий жабҳада ноқисликлар юзага келса, адолат тарозиси бузилса, бу ҳолатдан қутулиш анча қийин кечади.

Давлатимиз раҳбари маънавиятнинг маъно-моҳиятини узоқ йиллик ҳаётий кузатишлар, мустақиллик йиллари тақрибалари ва бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, хусусан, ахборот оламининг глобаллашуви, молиявий-иқтисодий таназзул ва бу мураккаб жараёнларнинг инсон руҳий оламига таъсири мисолида аниқ-равшан таърифлаб беради. Маънавият — инсоннинг руҳан поклиши, қалбдан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс қувдир. Бу куч ижтимоий ҳаётда, ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига,

шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаётига раҳна солиши, ёшларни тўғри йўлдан адаштириш мақсадини кўзлайди.

Рухан поклиши, қалбдан улғайиш, имон-этиқоднинг мустақамлиги, шубҳасиз, маънавий тарбияга боғлиқ, бироқ бу фазилатларга эришишда ижтимоий адолат тамойиллари бирламчи аҳамият касб этади. Собиқ тузум шароитида юзага келган жамияти ахлоқсизлик, маънавий айнашларнинг сабабларидан бири ҳам шу — ижтимоий адолат принципларининг бузилиши, тўғрилиқ, ҳалоллик, биронинг ҳақидан қўрқиниш сўзда эътироф этишу, ҳаётда уларга амал қилмаслик, ҳалқнинг ижтимоий, моддий-маиший эҳтиёжларига эътибор бермасликда эди. Бунинг бир

неча мисолларда кўриш мумкин.

Халқимиз азалдан меҳнат-севар халқ. Ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзгорини тебратиб келади, ризқ-насибсини яратди, биронинг ҳақиқа кўз олайтиривини, имон-этиқодига соя соладиган иш қилмади. Фарзандларини ҳам шундай тарбиялайди. Ачинарлиси шундаки, ўтмиш замоннинг ғайримисоний қонун-қоидалари бу юксак қадриятларни менсимайди, аксинча, уларни оёқ-ости қилди. Ишлаган қолиб, ишламаган тишлайдиган, хирмонга эгалик қиладиган, ҳосилни ўз фойдасига тақсимлайдиган "таомил"лар бўлди. Эрта баҳордан кеч кузгача даладан чиқмаган деҳқоннинг пешонаси оқармади, қозонига ёғ тушмади. Меҳнат ва унинг самарасидан баҳраманд бўлишда адолатсизлик, ҳақсизлик юзага келди.

Истиқлол бу адолатсизликка барҳам берди. Бугун жамият ҳаётида турли касб эгаларининг, айниқса, хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ошаётган экан, бунда давлатимиз раҳбари олиб бораётган адолатли ижтимоий сиёсатнинг, меҳнатқашларнинг манфаатларига асосланган иш-хотирларнинг ўрни бекиёс қатта, албатта. Эндиликда ҳар бир киши ўз меҳнати самараларидан тўла баҳраманд бўлишга, бойлик орттиришга, мулкка эгалик қилишга ва уни ўз фарзандларига мерос сифатида қолдириш ҳуқуқига эга. Суднинг ҳукмиис ўзининг ишига, ҳўжалигига ҳеч ким ноўрин аралашмайди, мулкни мусодара қилмайди. Бу ишонч ва

хотиржамлик унга янада самарали ишлаш, ўз ҳаётини фаровонлаштириш имконини беради.

Иккинчи адолатсизлик шу бўлдики, собиқ тузум тадбиркорлиги ва ишбилармонларнинг йўлини тўсди, қўл-оёғини боғлади. Тадбиркорлик қонун

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси... ижтимоий адолат, қонун ўс-тўворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастуридан

йўли билан тақиблаб қўйилди. Бу — дунё тарихида ҳеч кузатилмаган ҳодиса эди. Бугун маърифий дунё камбағал, қашшоқларни қамайтириш йўлида бош қотираётган, чора излаётган, муаммоларни ҳал қилиш тадбирларини кўраётган бир пайтда, шўролар салтанати бойларга, ишбилармонларга, уқувли, истеъдодли кишиларга қарши жанг бошлади. Йиллар давомида заҳмлати меҳнат эвазига орттирилган мол-мулкни тортиб олди, давлат фойдасига мусодара қилди. Бундай сиёсат, охири-оқибат тузумнинг ўзини иқтисодий, маънавий жиҳатдан таназзулга олиб келди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йиллариёқ деҳқонларга ер бериш тўғрисидаги тарихий Фармонга имзо чекди. Хусусий мулкка,

вий технологиялар харид қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмини хорижга жўнатиш, ва энг муҳими, ўз меҳнати самараларидан тўла баҳраманд бўлиш оддий бир ҳол бўлиб қолди. Давлатнинг ўзи тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги қонунчилик асослари шаклланди.

Ижтимоий адолатнинг тикланишини фақат шу соҳаларда эмас, бошқа йўналишларда ҳам қўриш мумкин. Чунонки, эндиликда дунё мамлакатларида ўтказиладиган халқаро танловларда, нуфузли спорт мусобақасида, мусикачилар, қўшиқчи ижрочилар кўриги, тасвирий ёки амалии санъат, кўргазмаси ёхуд ёш олимлар беллашувида ўзбекистонлик йигит-қизлар кўлга қиритаёт-

ган зафарлар тўғрисида деярли ҳар кун юртимизга хушхабар келади. Бу, албатта, қувончли ҳол. Аммо, истиқлолга бўлган ҳаётимизга бир назар ташласак, айни шу соҳаларда ижтимоий адолат янада кўпроқ бузилганига гувоҳ бўламиз. Гап шундаки, авваллари ҳам турли даражадаги беллашув ва танловлар ўтказилган, аммо миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистон вакиллариға беписандлик билан қарашган.

Истеъдод бир кунда пайдо бўлиб қоладиган хусусият эмас. Илмга чанқоқлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик бугунги ёшларимизга аждодлардан қолган улғ мерос. Оққан дарё барибир оқди деганларидек, давлатимиз раҳбарининг янги авлодин ҳар жиҳатдан қомил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга ноёб истеъдод ва қобилиятларини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисидаги фармон ва қарорлари, бу борадаги оталарга ғамхўрлик ёшларни озод Ватанининг шон-шухрати, илмий-иқодий салоҳияти, моддий ва маънавий қудратини ошириш ва мустақамлашга илҳомлантирди. Бугун Ўзбекистон дунё эътиборини ўзига қаратиб, ҳаётнинг турли жабҳаларида эътибор ва ибратга молик ютуқларни қўлга киритаётган экан, бунда янги навақирон авлоднинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Ёшлар бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бошқарувда, илм-фан, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида

етақчи мавқега эга бўлиб туришибди.

Адолат жамиятнинг мустақам пойдевори, куч-қудрати, маънавий кўзгуси ва ишончли эртаси ҳисобланади. Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ бу тамойилга қатъий амал қилинган. Истиқлол йилларида шаклланган миллий қонунчиликимизда, мамлакатимиз Конституциясида, мустақил давлатимизнинг Президент Исроил Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатида ижтимоий адолат принциплари ўзининг яққол ифодасини топди. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 4-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди", 18-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деб ёзиб қўйилган. Хулоса шуки, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш бўён ҳам мустақамлашни бориши, ҳаётимизнинг, турмуш тарзимизнинг янада фаровонлашуви шубҳасиздир.

Фаолият

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда

Қонун ижодкорлиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси ҳамда ундан олдин ўтказилаётган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гурӯҳининг йиғилишлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун талаблари ҳамда яқинда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида ташкил этилаётгани замонавий социал демократияга хос адолатлилик ва тенглик сингари энг асосий принциплар миллий қонунчиликдан янада мустаҳкам ўрин олишига замин яратмоқда.

Яқинда Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳаларининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гурӯҳи томонидан берилган таклифларнинг маъқуллангани ҳам, маъқулланмагани ҳам муҳокама қилингани юқорида номли келтирилган қонун талабларининг амалиётда самарали жорий этилаётганидан далолат беради.

Хусусан, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама-ларида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Аввало, мамлакатимизда

ОИВ касаллигининг олдини олиш борасидаги ҳуқуқий масалалар 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиниб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Қонун қабул қилингандан кейин ўтган даврда халқаро миқёсда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши курашиш масаласига ёндошувлар кескин ўзгариб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунни такомиллаштириш зарурати туғилди ва «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Янги қонун лойиҳасида амалдаги

қонунда мавжуд бўлмаган, бироқ соҳани тартибга солишда муҳим бўлган қоидалар ўз аксини топган. Масалан, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланиб, фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари аниқлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги вазифалари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашдаги иштироки мазкур касаллик тарқалишининг олдини олишда муҳимлигини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳуқуқлари, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тadbирларини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг вазифалари, унинг тузилиши ва низомини тасдиқлаш тартиби каби бир қатор муҳим жиҳатлар белгиланмоқда.

Айтиш кераки, мазкур қонун лойиҳасининг биринчи ўқиш муҳокамаларига бағишланган мажлисларида фракциямиз аъзолари, партия экспертлари қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор таклиф ва тавсиялар бергани, уларнинг аксарияти қонун лойиҳасида акс эттирилгани, айниқса, эътиборлидир.

Маълумки, соғлиқни сақлаш масаласига партиямиз дастурида устувор вазифа сифати

да эътибор қаратилган. Хусусан, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли саломатлигини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган. Шу боис, фракциямиз ушбу қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, электротар манфаатини кўзлаб, дастурий вазифаларни амалга ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтиди фракциямиз томонидан «ОИВга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари: халқаро ва миллий тажриба» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Мазкур тadbир орқали мутахассислар, соҳа олимлари, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Қонун лойиҳаси юзасидан тузилган фракциямиз ишчи гурӯҳи томонидан шу ва бошқа фикр-мулоҳазалар умумлаштириб, аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада бевоси-



Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

та фаолият юритаётган давлат органлари фаолиятини аниқ тартибга солиш тарафдори. Қонун лойиҳасида ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолият кўрсатиш тартиби аниқ ифодаланиши ва белгиланиши керак. Тиббий текширувдан ўтиш турларини, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ОИВ инфекциясининг тарқалиши учун жавобгарликни белгилаб қўйиш турлича тақдирлар ва шарҳларни келтириб чиқармаслиги керак.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, қонунчилик жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гурӯҳларининг фикрлари ҳамда таклифларининг барчаси кенг муҳокама қилинаётгани қонунчилик фаолиятида фракциялараро тенгликка эришиш, билдирилган барча таклифларни қўриб чиқиш мажбурияти, уларни муҳокама қилиш ҳамда инобатга олишда демократик талабларга қатъий риоя этилаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Қарши шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари ташаббуси билан «Огоҳ бўлайлик, ёшлар!» мавзусида тadbир ташкил этилди. Унда партия вилоят Кенгаши, «Камолот» ЁИХ, маҳалла ва «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари иштирок этди.

Огоҳлик —

фаолиятимиз мезони сифатида

— Бугун ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ҳар бир ўғил-қиз ҳеч кимдан кам бўлмай, бекам-кўст вояга етиши, замонавий билим ҳамда касб-хунар эгаллаб, малакали мутахассис кадрлар бўлиб етишиши йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз дастурий вазифалари доирасида ҳисса қўшиб келмоқда, — деди вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Бехруз Муродов. — Вилоятимизда 1118 та мактаб, 100 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ёшларимизнинг маънан етув, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишишлариغا хизмат қилмоқда. Бизнинг замонавий илм-фан, техника ютуқларини ҳар томонлама пухта эгаллашимиз учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Шу ўринда бугун тенгқурларимиз жамиятимизда содир бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисаларга бефарқ бўлмас-

лиги зарур. Партиямиз электротарининг мақсади халқимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солмоқчи бўлаётган ғаламис кимсаларни қаттиқ қоралаб, барчани огоҳликка чақиришдан иборатдир. Шунингдек, учрашувда партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти етакчиларининг «Одам савдоси — асримиз муаммоси», «ОИТС — XXI аср вабоси», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Терроризм ва наркоманияга қарши кураш — барчанинг бурчи» каби мавзусидаги маърузалари иштирокчи ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Хулоса ўрнида эса, огоҳ бўлиш нафақат ёшларнинг, балки барчамизнинг Ватанимиз олдидаги бурчимиз, масъулиятимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Соғлом ва баркамол авлод йўлида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан Шеробод туманида «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш — соғлом, барқарор ва обод оила гарови» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Партиянинг вилоят ва туман Кенгаши раҳбарлари, «Аёллар қаноти» фаоллари, шифокорлар, ўқитувчи ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этган тadbирда мамлакатимизда она ва бола саломатлигини асраб-авайлаш, репродуктив саломатликини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофича сўз юритилди.

— Дастурий ғояларимиз доирасида соғлом она — соғлом бола тамойилига асосланган ҳолда вилоятимизнинг барча ҳудудларида фаолларимиз томонидан кенг қўлланма тушунириш ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда, — деди Шеробод туман партия кенгашининг «Аёллар қаноти» раиси Норхон Мирзаева. — Бу жараёнда электротарининг асосий вакиллари бўлган тиббиёт ходимларидан иборат фаолларимиз фидойилик кўрсатишмоқда. Айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида ўтказилаётган бепул тиббий кўриклар ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга оид турли тadbирларнинг мунтазам

ташкил этилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Тadbирда таъкидланганидек, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Оналар ва болалар саломатлигини асраш йўлида амалга оширилаётган аниқ чора-тadbирлар боис кейинги йилларда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада камайишига эришилмоқда.

Райхон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Репродуктив саломатликдан — банк кредитларигача

Давомий. Боши 1-бетда

— Шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши «Аёллар қаноти»нинг маҳаллаларга ташрифи бесамар кечмаяпти. Ҳар битта учрашув, суҳбатлар якунида ўзаро ҳамфикрлик, ҳамкорлик ва долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича ижтимоий шериклик муносабатлари қарор топмоқда. Шаҳардаги Алишер Навоий, Беклар, Боғи Темур, Бирлик, Илмобод, Богибаланд, Гулистон, Барака сингари қўллаб маҳаллаларда маҳалла ҳаётига тааллуқли бирорта масалага ижобий ечим топишга ёки энг яхшиси, жамоатчиликда муаммога нисбатан дахлдорлик муносабатини уйғотишга ҳаракат қиламиз, — дейди вилоят партия Кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Баҳорат Ҳотамова. — Чунки одамлар бизнинг сўй-ҳаракатларимиз, мақсадимиз беҳуда эмаслигини сезишсин, жамиятдаги янгиланиш жараёнларига ишонч ва манфаатдорлик билан қарашсин.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш, айтиш мумкинки, партия фаолларининг маҳаллаларда олиб борилаётган тарғиботларининг бош мавзусига айланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси Зухра Ботирова бу учрашувларда маҳаллада яшовчилар ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб топа олишди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилоят партия Кенгашининг «Аёллар қаноти» шуғулланаётган масалалар қамрови кенг, натижаси таъсирчан бўлиб, тобора кўп хайрихоҳларни ўз атрофида тўплаб бормоқда. Бир ой муқаддам Пастдарғом туманида ўтказил-



ган «Соғлом оила — мустаҳкам жамият — барқарор мамлакат» шiori остидаги аёллар спорт фестивали шундан далолат беради. Фестивалда

ўнлаб оилалар спортнинг оммавий турлари билан мунтазам шуғулланиш соғлом турмуш кафолати эканлигини амалда намойиш этдилар.

Айтиб ўтганимиздек, партия Кенгаши «Аёллар қаноти»нинг фаолият доираси кенг — аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашдан тadbиркор хотин-қизларнинг банк кредитлари билан таъминлашига қўмаклашишгача бўлган амалий ҳаракатларни ўз ичига олмақда.

— Тикувчилик йўналишидаги яқка тadbиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Тойлоқ туманидаги Сочак қишлоғида яшовчи Зарина Эшонкулова. — Фаолиятим давомида «Адолат» СДПнинг «Аёллар қаноти» билан яқин алоқада бўлиб келяман. Шу ҳамкорлик туфайли «Микрокредитбанк»дан кредит олиб, янги тикув машиналарини харид қилдим. Ўнга яқин кишини иш билан таъминладим. Тайёр либосларнинг кўргазмаларини уюштиришни ўргандим.

Дарвоқе, шу йилнинг май ойида партия Кенгаши «Аёллар қаноти»нинг ташаббуси билан тadbиркор хотин-қизларга мўлжаллаб «Бизнес учун кредитлар лойиҳаси» доирасида семинар-тренинг ўтказилди. Самарқанддаги «Регистон» маҳалласида юздан ортиқ тadbиркор аёлларни жамлаган

мазкур анжуманда иштирокчиларга молиявий қўмак олиш юзасидан зарур тушунтиришлар берилди. Вилоятдаги тижорат банклари, хусусан, «Микрокредитбанк» вакиллари тайёр лойиҳа эгалари билан шу ернинг ўзида шартнома тузиш ҳақида келишиб олдилар.

— Семинар-тренингнинг мақсади партиямиз дастурий вазифаларига мос тарзда тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, янги даромадли иш ўринларини яратишга қаратилди, — дейди «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мастура Шарипова. — Айниқса, қишлоқ шароитида ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга ёрдам берадиган бизнес режаларини тузишга иштирокчилар эътиборини кўпроқ қўзатдик. Чунки, энг яхши ақлий салоҳиятга, билим ва кўникмага эга бўлган аёл-тadbиркорлар ўзларининг ва ўзгаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қодирдирлар.

Бу фикрни маъқулламай илож йўқ. Хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида қўмаклашаётган вилоят партия Кенгаши «Аёллар қаноти»нинг изланиш-интилишлари тобора салмоқли тус олмақда. Унинг иштирокида йил бошидан буён 40 дан ортиқ амалий тadbирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Бу йиғилишларда 5500 нафар хотин-қизларнинг ташрифи ва самарали ҳамкорлиги таъминланди. Ўнлаб долзарб ижтимоий муаммолар ўз ечимини топди. Албатта, гап фақат рақам-у ҳисоботларда эмас. «Аёллар қаноти» соғлом фикр ва ташаббуслар билан жамиятдаги янгиланишларга ўзига хос қанот бўлаётганида.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири



Партия фаолига кўмак

Депутат сўрови

Давом. Боши 1-бетда

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этиш орқали аҳоли манфаатини тўлиқ ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлилади. Қонун ва қонун ости аклари ижросини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти, айниқса, маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари алоҳида ўрин тутadi.

Кейинги пайтларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонунлар, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар ижро этилишини таъминлашнинг долзарб масалалари кўпроқ муҳокама қилинаётганлиги кузатиш мумкин. Олиб борилаётган ишлар натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ҳудудлар учун долзарб ва муҳим бўлган масалаларни муҳокама этиш яқунлари юзасидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва таъсирчанлиги бирмунча ошди.

Жойларда депутатлик нозиратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депу-

татлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қонунда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда депутатлик фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган. Жумладан, қонуннинг 8-моддасида депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослан-тирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли эканлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборишлари белгиланган. Шу билан биргаликда судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин

эмаслиги, депутат сўровлари бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкинлиги қонунда мустаҳкамланган.

Депутат сўрови депутат томонидан фақат унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий манфаатларни кўзлаб депутат сўровини юбориш тақиқланади.

Депутат сўровини юбориш тўғрисидаги қарор депутат томонидан мустақил равишда қабул қилинади. Унинг бирон бир тарзда бошқа шахслар ёки идоралар билан келишиб олиниши талаб қилинмайди.

Депутат сўрови давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг битта мансабдор шахси номига ҳам, бир неча мансабдор шахси номига ҳам юборилиши мумкин.

Депутат сўрови қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда ёзилган бўлиб, расмий бланкада расмийлаштирилади ва депутат томонидан имзоланади.

Депутат сўровининг нусхаси шу депутат халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг


қайси доимий комиссиясига аъзо бўлса, шу комиссия раисига маълумот учун тақдим этилади.

Депутат сўровига доир ахборотлар муҳокамаси депутат сўрови юборилган мансабдор шахс иштирокида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, депутат сўрови орқали вакиллик органлари депутатлари депутатлар корпусининг гоёат муҳим функцияси сифатида қонун ҳужжатлари, қабул қилинган бошқа ҳужжатлар ва қарорлар ижро этилишини таъсирчан назорат қилишни таъминлашга қаратилган ишни кучайтиришга; маҳаллий Кенгашлар ва улар доимий комиссияларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада такомиллаштириш, депутатлик назоратини амалга оширишда бу фаолиятнинг самарадорлигини кучайтириш; сайловчилар билан "қайтар алоқа" самарали бўлишига хизмат қилади.

Алишер ИРАЛИЕВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси етакчи мутахассиси

Наманган вилоятида 108 минг 500 дан ортиқ транспорт воситалари мавжуд. Улар ҳар йили ўртача 15-20 мингтагача кўпаймоқда. Шу билан бирга мазкур автоуловларнинг аксарият қисми табиий газ ёнилғиси воситасида ҳаракатланмоқда.



Марказий Осиёда ягона

Яқинда Наманган шаҳрида республика маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳа асосида ташкил этилган янги корхона — "Махсус металл сановат" МЧЖ соҳа ривожига хизмат қила бошлади. Яъни, бу ерда юк ва енгил автомашиналарга юқори босимли, 50, 65, 75, 80, 100 литрлик метан газ баллонлари ҳамда 40 литрлик кислород баллонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирда корхона йилига 60 минг дона баллон ишлаб чиқариш қуввати билан ишламоқда. Йил охирига қадар бу ҳажм икки ҳисса оширилади.

Таъкидлаш жоизки, корхонадаги ишлаб чиқариш Германиядан келтирилган дастгоҳларда, мураккаб боскичларга асосланган. Масалан, хом-ашё тайёр маҳсулотга айлангунга

қадар 43 та технологик, жумладан, 14 та синов жараёнидан ўтади. Энг муҳими, тобалаш печларидаги 900 даражадаги иссиқликдан тортиб, металл юзасини тозалаш, тайёр ҳолга келтирилаётган маҳсулотнинг оғирлигини ва шунингдек, муайян сигимини махсус роботлар ҳамда замонавий компьютер технологияси кузатиб туради. Бу эса, маҳсулот сифатида доир ҳар бир стандарт талабининг бекам-қўст адо этилишини таъминлайди.

Дарвоқе, корхона қошида аккредитланган синов лабораторияси мавжуд. Унда ҳар бир тайёр маҳсулот ультратовушли, пневматик филдиракли техник синовдан мунтазам ўтказиб борилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, газ баллонларининг сифати меъёрий ҳужжат

талабларида белгиланган кўрсаткичларга нисбатан икки баробар юқори. Бу эса, уларни камида 15 йилга кафолатлаш имконини бермоқда. Энг муҳими, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган мазкур маҳсулотларнинг нархи хорижикидан 25-30 фоизгача арзон.

Ҳозирда Марказий Осиёда ягона ҳисобланаётган мазкур корхонада икки сменада 65 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг қарийб тенг ярми вилоятдаги сановат касб-хунар коллежларининг битирувчилари эканлиги билан диққатга сазовор. Зеро, бу юртимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда ижобий самара бераётганидан дарак беради.

С.АБДУРАҲМОНОВ,
"Adolat" мухбири

Сурхондарё: янги ланишларнинг ҳаётбахш палласи

Давом. Боши 1-бетда

Собик шўролар тузуми даврида жуда кўп йиллар ёпиқ шаҳар ролини ўтаган, чет элликларни қўйинг, ҳатто ўз фуқароларимиз ҳам яқин йўлай олмаган Термиз хозирги даврга келиб, айниқса, таниб бўлмас даражада чирой очди, кўпчилиكنинг сеvimли кадамжосига айланди. Бу муаззам шаҳарнинг бир-биридан кенг ва ровон кўчалари бўйлаб кезар экансиз, янги иморатлар, замонавий уйлар шаҳарсозликнинг бетакрор усулларини гўёки ўзида кўз-кўз қилаётгандек бўлади. Шаҳар атрофидagi янги даҳаларда бунёд этилган юзлаб намунали уй-жойларни кўриб, юртимиз қудрати, салоҳиятига тан берасиз.



ЧЕМПИОН БОЛАЛАР

Хали пойтахтдагиимиздаёқ вагондаги ўринларга жойлашган болалар эътиборимизни тортганди. Йўл-йўлакай улар билан ҳам танишиб олдик. Қизирқ ва Қумқўрғон туманларидаги умумтаълим мактабларида тахсил олаётган бу 13 нафар ўқувчи спортнинг "Қуныф" тури бўйича Қозоғистон Республикасида ўтказилган очик чемпионатда муваффақиятли қатнашиб, 8 та олтин, 3 та кумуш ва битта бронза медални қўлга киритиб қайтаётган экан. Уларга ҳамроҳлик қилаётган "Джит Кун до" федерацияси Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи, 3-дан "Қора белбоғ" соҳиб, республика тоифасидаги ҳакам Эркин Йўлдошев биз билан кувончини баҳам кўрди:

— Болалар ўртасида ўтказилаётган бундай нуфузли мусобақаларда кўп бора иштирок этганмиз. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритганмиз. Бу галги очик чемпионатда ёшларимизнинг куч жиҳатдан анча устунлиги сезилиб турди.

Бўлим федерация негизида Қумқўрғон туманида 2007 йили ташкил этилган. Қизирқ ва Қумқўрғон туманларидаги мактабларда тахсил олаётган 8 ёшли ва ундан катта болаларни саралаб олиб, уларга шарқ яккакурашидан сабаб беришган. Йиллар ўтиши билан шуғуланаётганлар сафи кенгайиб, 300 тага етди. Уларнинг орасидан 15 дан зиёд республика чемпионлари, 20 дан зиёд халқаро турнирларнинг ғолиблари етишиб чиқди. Жисмоний тарбия ва спорт институти талабаси Зарина Салимова, Қумқўрғон "Агросаноат" коллежи битирувчиси Шохсанам Чўбоева, Қизирқ



маиший хизмат коллежи ўқувчиси Асқар Сатторов каби кўлаб умидли ёшлар бўлим тўғрақларига мунтазам қатнашиб, маҳоратларини оширишган, чемпион бўлишган.

БУГУНГИ ДЕНОВ

Деновикларни кўпчилик яхши билади. Улар тоғдек вадалар бериб, осмондан келишни ўзларига эп кўришмайди. Битта гапириб, айтганининг уддасидан чиқшади.

Деновикларнинг яхши ишлаш, яхши яшашга бўлган интилиши ўз мевасини берапти. Бунинг шарофати билан бугунги Денов — ислохотларга қанот бағишлаб, қатор соҳалар бўйича нафақат Сурхондарё вилоятида, балки, республикамизда ҳам олдинги ўринларда бормоқда.

Деновда янги лойиҳаларга мувофиқ олиб борилаётган қурилишлар одамлар турмуш тарзида янги ўзгаришларга йўл очаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайти-

ришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳада муҳим дастуруламалга айланди. Қарор ижроси юзасидан жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Сўнгги уч йил давомида барпо этилган, намунали лойиҳаларга асосланган, кўплаб қўлай шарт-шароитларга эга бўлган 420 та уйга деновиклар кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини нишонладилар. Туманда бу йил яна 120 та шундай уй-жойнинг ишга туширилиши мўлжалланаяпти.

Деновда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича

банк томонидан 238 миллион сўмлик каредит маблағи ажратилиб, печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги цех ташкил этилди. Унга 12 нафар ёш ишчи доимий ишга қабул қилиниб, ўндан зиёд турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Банк бўлими яратган шундай имкониятлар эвазига "Само юлдузи" хусусий корхонаси Хитой давлатидан 500 миллион сўмлик технология олиб келиб, гишт ишлаб чиқариш суръатларини оширди. "Савдогар" банк бўлими томонидан ажратилган 40 миллион сўмлик кредит "Денов Равноқ Камоли" хусусий корхонасига 20 турдаги эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш имконини берди. Шундай саъй-ҳаракатлар эвазига "Азим Денов" хусусий корхонаси "Акфа" эшик-ромлари, стол-стуллар тайёрлашни, "Қушон тараққиёти" хусусий корхонаси қозғ қутилари ишлаб чиқаришни, "Сурхон ҳамкор" МЧЖ янги турдаги яхна ичимликларни истеъмолчиларга етказиб беришни йўлга қўйди.

Белгиланган лойиҳалар асосида бошқа соҳаларда ҳам қатор янгиликлар амалга оширилди. Уларнинг барчаси халқ фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини юксалти-

ришга хизмат қилаётганлиги билан айниқса, аҳамиятлидир.

ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

"Сурхондарё вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"га назар солсангиз, кейинги уч йил ичида бу ерда катта ҳажмдаги улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишига, қатор соҳаларда катти ўзгаришлар рўй беришига қатъий ишонч ҳосил қиласиз. Дастур доирасида умумий қиймати 477,6 миллион долларга тенг бўлган жами 2935 та лойиҳанинг амалга оширилиши ва бу туфайли вилоятда 25108 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилмоқда. Шундан 327,1 миллион доллар миқдоридаги 502 та лойиҳа сановат йўналишида, 50,3 миллион доллар миқдоридаги 414 та лойиҳа қишлоқ хўжалиги тармоғида, 100,2 миллион доллар миқдоридаги 2019 та лойиҳа эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида юзага келади. Жумладан, 2013 йилда умумий қиймати 215,8 миллион долларга тенг бўлган жами 1368 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг эвазига вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 2012 йилда 3,7 триллион сўм (109 фоиз)ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 7 триллион сўмга етиши кўзланмоқда.

Жарқўрғон туманида келгусида умумий қиймати 10 миллион долларга тенг бўлган, йилига 22,5 миллион квадратметр газлама ва 1000 тонна трикотаж полотно ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, 430 минг дона тайёр трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга хизмат қилувчи лойиҳа амалга ошириляпти. Сариосиё туманида йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган фабрикани фойдаланишга топшириш кўзда ту-

тилмоқда. Бундан ташқари, 2014 йилда Шўрчи туманида қиймати 8,5 миллион доллар, қуввати 3,5 минг тонна ва Қумқўрғон туманида қиймати 4,4 миллион доллар, қуввати 2 минг тонна ип-калага ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилади.

Халқчил ғоялари, дастурлари, қатор самарали ташаббуслари билан кенг омма орасига дадил кириб бораётган Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг ҳудудий ташкилотлари орқали жойларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурларни ҳаётга изчил татбиқ этишга, бунёдкорлик ва юрт тараққиётидаги иштирокини янада кучайтиришга муҳим эътибор бериб келмоқда. Жумладан, партиянинг Сурхондарё вилоят Кенгаши бу борада ўз ишчанлигини намоян элтипти. Кенгаш сафларига бирлашган олти минг нафардан зиёд аъзо ва 168 та бошланғич партия ташкилоти янгилаш жараёнининг фаол иштирокчилари ва айлангани ўз олдида мақсад қилиб қўйган. Бунёдкорлик, ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация ва бошқа бир қатор долзарб соҳаларни қамраб олган бу маслақдошларнинг кенг қамровли фаолияти ўз натижасини берапти. Қизирқ туманидаги "Мазифа" фермер хўжалиғи раҳбари Мазифа Умарова, "Миришкор" фермер хўжалиғи раҳбари Жовбўри Зиёдуллаев, Термиздаги "Алпомиш" спорт мажмуаси директори Баҳром Алиев, Жарқўрғон туманидаги "Самангантранс" МЧЖ иш юртувчиси Бахтиёр Раҳматуллаев, Бойсун туманидаги "Илхом БТ" хусусий корхонаси бошлиғи Зариф Умаров каби кўплаб партия аъзоларининг бу борадаги фаолияти алоҳида эътиборга моликдир.

Истиқболга юз тутган Сурхондарё вилоятининг йилдан-йилга имкониятлари кенгайиб, салоҳияти ортиб бораверади. Чирой очган гўша юртимизнинг гултожисига айланади. Улуг авлиёю анбиёларга бешик бўлган, Алпомиш Барчинойларни қамол топтирган, кураги ерга тегмаган курашчиларни етиштириб берган бу ҳудуднинг эртаси бундан-да нурафшон, келажаги порлоқдир.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Adolat" мухбири




Ижтимоий ҳаёт

Қуёш қувватидан
фойдаланибхоналар ёритилмоқда,
компьютерлар ишлатилмоқда

Депутат ташаббуси

Бугун дунёнинг ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам энергетика тизимини ислоҳ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунда, аввало, бориш қийин бўлган чекка қишлоқ, овулларда, ижтимоий соҳа объектлари — қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбаларини ўрнатишга катта аҳамият берилмоқда.



Ўзбекистон «Адолат» СДП-нинг қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган дастурий ҳолати ижроси доирасида маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз қатор ташаббуслари илгари суриб, бунда мамлакатимиз олимлари томонидан яратилаётган муқобил энергия манбаларининг афзалликларини «аҳоли» орасида кенг тарғиб қилиш ва уни амалиётга татбиқ этишда кўмак беришга муҳим эътибор қаратилмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 1 мартда эълон қилинган «Муқобил

энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларда дастуруламал бўлиб, амалий ишларга қанот бағишламоқда. Яқинда Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар кенгаши депутати Беҳзод Мамажонов ташаббуси билан шаҳардаги Саноат касб-ҳунар коллежида ўрнатилган «қуёшдан» электр энергияси олувчи қурилманинг тақдироти бўлиб ўтганлиги сўзимиз исботидир. Депутат сўрови билан вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят иссиқлик электр таъминоти марказининг

молиявий кўмағида ишга туширилган 500 вт қувватга эга мазкур қуёш батареяси эндиликда коллежнинг 24 та компьютердан иборат иккита ахборот ресурс хонасини узлуксиз электр энергияси билан таъминламоқда. Бу эса электр энергиясини тежаш имконини бермоқда.

Вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, депутатлари ҳамда Фарғона политехника институти олимлари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз энергетика тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, кейинги йилларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилаётган эътибор, бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар хусусида сўз борди.

Тақдимот қатнашчилари қуёш батареяси ишлатилишининг амалда бевосита гувоҳи бўлишди. Таъкидланганидек, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат энергия балансида кенг жалб этиш энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодиётда, қишлоқ ва чекка ҳудудларда энергия таъминотини яхшилашга, зарарли газлар ташланмаларини қисқартиришга, давлатнинг барқарор ривожланишига асос бўлади. Партия-миздан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатларимиз томонидан ҳам бу борада ташаббусларнинг кўтариб чиқилаётгани эса дастурий вазифаларимиз ижросининг ҳаётбахшлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бахтиёр АЛИЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Юксак марраларга интилаётган

«Ёш адолатчилар»

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, ўзи танлаган касбни эгаллаши, илмий изланишлар олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти етакчиси Ҳусниддин Шарипов. — Фаолиятимиз мобайнида ёшларни бу имкониятлардан унумли фойдаланишга, иқтидорли ва интеллектуал ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларга ҳар томонлама кўмак беришга алоҳида эътибор қаратиб келаямиз. Бунинг самараси ўларок, иқтидорли ёш аъзоларимизнинг илмий салоҳияти тобора юксалиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга хизмат қиладиган ноб ёхтиролар ва инновацион ишланмалар яратишга муваффақ бўляптилар.

Жиззах вилоят партия Кенгаши қошидаги «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам партия дастуридан келиб чиққан ҳолда ёш олимларнинг илмий изланишларини рўёбга чиқаришга интилаяптики, бунинг самараси ўларок, сафимизда иқтидорли йигит-қизларнинг кўпайиб бораётгани эътиборга молик.


Буни «Ёш адолатчилар» қанотининг фаол аъзоларидан бири, Жиззах политехника институти талабаси Исроил Ҳамдамов мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эндики 23 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, ёш партиядошимиз қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш дастури асосида «Тоғли ҳудудлар учун микро ГЭСларни лойиҳалаш ва қуриш» лойиҳаси устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Республика ва ма-

ҳаллий нашрларда эълон қилинган қайта тикланувчи энергия манбаларига оид ўнлаб илмий мақолалари орқали энергетикага оид билимларини намойн қилиб келаётгани ҳам диққатга сазовор.

У институтдаги таҳсилнинг иккинчи босқичидан бошлаб «Келажак овози» республика ёшлар танлови ҳамда Камолот ЁИХнинг барча тадбирларида, Жиззах давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат техника университетида ташкил этилган бир қатор илмий конференцияларда фаол иштирок этиб, ўз билимини мустаҳкамлашга интилоқда.

Қаҳрамонимиз 2011 йилдан эътиборан Жиззах политехника институти Саноат технологияси ва қуриш факультети «Электрэнергетика» йўналишининг иқтидорли талабалар



билан ишлаш бўлимига масъул. Ушбу бўлимда 18 нафар иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари баш-қош.

2012 йилда ўтказилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркаси унинг учун омадли келди. «Тоғли ҳудудлар учун микро ГЭС» лойиҳаси билан қатнашган И.Ҳамдамов БМТ глобал экологик фонди (ГЭФ)нинг тегишли сертификати билан тақдирланди. Пойтахтимизда ўтказилган «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя — 2012» кўрик-танловидаги иштироки ҳам юқори баҳоланди. «Энг яхши лойиҳа» номинациясида биринчи ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланди. Иқтидор соҳиб 2013 йилда ўзининг фермер хўжаликлари учун «Овалсимон айланишли Микро ГЭС қурилмаси» номли лойиҳаси билан «Келажак овози» республика ёшлар танловида иштирок этиб, вилоят босқичи

ғолиблигини қўлга киритди ва республика босқичига йўланма олди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, ёш адолатчи илмий изланишлардан ташқари партиянинг дастурий ғоя, мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда ҳам жонбоз. Хусусан, «Ёш адолатчилар» қанотининг ёшлар тарбияси ва маънавияти, уларни миллий менталитетимизга ёт ғоялардан асрашга қаратилган қўллаб-қувватлаш фаол қатнашиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Адолат» сафларида мана шундай юксак салоҳиятли, билимли, инноватор, ташаббускор ёшларнинг кўпайётгани партиянинг илғор ғояларига бўлган ишончнинг ортишига хизмат қилади.

Умид НИШОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Маҳалладошларга ибрат отахон

Томорқа хўжалиги

Саксон беш ёш билан юзлашган Идибобо Шомуродовни Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида катта-ю кичик бирдек танийди.

Бутун умри далада кечган отахон кексалик чоғида ҳам ўз касбидан кўнгил узолмайди. Ер чопиб, экин экиш, уларни парваришлаб ҳосил етиштириш ҳозирда ҳам Идибобонинг энг

севимли машғулот. Отахон невараларига беш бўлиб, 15 сотихли томорқа ерида рўзгор учун зарур бўладиган барча турдаги мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. 2 беш

соғин сигир, 30 та парранда ҳам оиланинг кут-барақаси. Бу хонадонда сут, қатиқ, туҳум каби маҳсулотларни четдан сотиб олишга эҳтиёж йўқ. Ер атрофи, ариқ бўйлари ҳам отахоннинг назаридан четда қолмаган. Бу жойларда тоқ, терак ва мевали дарахтларнинг кўчатлари етиштирилади.

— Ҳудудимизда Идибобога ўшаб томорқа ерида омилкорлик билан меҳнат қилиб, рўзгорига барака олиб кела-

ётган кексаларимиз жуда кўп. Улар ўзларининг бу саъй-ҳаракати билан бошқа маҳалладошларимизга ҳам ўрнак бўлишарди, — дейди Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дўстназар Шомуродов. — Ҳозирда йиғинимиздаги 832 та хонадоннинг барчаси томорқа еридан қўшимча даромад олишга одатланишган.

Ҳамро ОҚИЛ,
«Adolat» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Ҳакамлик судлари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган навбатдаги он-лайн видеоконференция ўтказилди.

Фаолият етарли
даражада
ёритилмаяпти

Савдо-саноат палатаси, Ҳакамлик суди вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик судлари раислари ва судьялари иштирок этган тадбирда Палата ҳузуридаги амалдаги доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари иш фаолиятини тақомиллаштириш чораларини кўриш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ҳакамлик суди фаолиятини кенг ёритиб бориш, айниқса, босма матбуотда қишлоқларни кўпайтириш, жойларда тарғибот ва таъқиқот ишларини ташкиллаштириш масалалари атрофида муҳокама қилиниб, бу борада айрим ҳудудларда ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, видеоконференция давомида жойлардаги хусусий тадбиркорлар, хусусий банклар, масъулияти чекланган жамиятлар, суғурта компаниялари ҳамда қўшма корхона масъулларига ҳакамлик судининг афзалликлари ҳақида кенгрок тушунтириш ишларини олиб бориш, айниқса, тарғиботнинг мақбул усули бўлган учрашувлар ўтказиш орқали қўрилган ишларни таҳлил ҳам қилиш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар белгиланди.

Савдо-саноат палатаси
матбуот хизмати

Келажак манфаатларига
йўналтирилаётган сармоялар

Молия муассасаларида

Мамлакатимиз молия бозорига «ASIA ALLIANCE BANK» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг ўз ўрни бор. Ишни оқилона ташкил этиш, соҳадаги илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш натижасида миқозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб, улар аудиторияси йил сайин кенгайиб бормоқда.

Энг муҳими, кредит сармоялари миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Уларнинг асосий қисми тадбиркорлик, савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш соҳаларига тўғри келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган чорак саноат тармоғи учун 28,06 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги секторига 49,26 млн. сўм, қурилиш индустриясига 1,23 млрд. сўм, умумий оқватланиш ва савдо соҳасини қўллаб-қувватлаш учун 13,2 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Шубҳасиз, юрт равнақи, турмуш фаровонлиги йўлидаги ҳар қандай хайрли иштининг халқимизнинг оро-мақсадлари билан муштаракдир. Шу маънода, «ASIA ALLIANCE BANK» жамоасининг молиявий фаолиятдан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Зеро, миқоз манфаати улар учун устувор масалалардан бири саналади.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъек-

ларини ўз вақтида кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган чорак ана шу мақсадлар учун 23,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Ушбу сармоялар сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, турли соҳаларга ихтисослашган корхоналар фаолиятини янада жонлантириш ҳамда янгиларини барпо этишда жуда кўл келаяпти.

Мамлакатимиз Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори молия муассасалари учун ҳам муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Тўғри, ҳозирги қучли рақобат шароитида тадбиркорлик асосида иш юритиш осон эмас. Банк жамоаси буни чуқур ҳис этиб,

кичик бизнес вакиллари ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга интилоқда. Йиллар синовидан ўтган ишончли шериклик эса ҳар икки томон учун катта иқтисодий самара келтирмоқда.

Иқтисодиётнинг ҳозирги равнақини лизинг хизматларисиз тасаввур этиш қийин. Нега деганда, ушбу жараён ишлаб чиқаришни модернизацациялаш, жойларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар лизинг хизматлари бозорини босқичма-босқич ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажмида лизинг операциялари улуши тобора ошиб, ушбу фаолият тури билан шуғулланадиган молия муассасалари, компания ва кредит уюшмалари кўпайиб бораёпти. Ўтган йили «ASIA ALLIANCE BANK» томонидан лизинг компаниялари фаолиятини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Ана шу

мақсадлар учун 6,5 млрд. сўм миқдорда тузилган лизинг шартномалари фикримиз далилидир.

Бу каби хайрли ишлар «Обод турмуш йили»да ҳам изчил давом эттирилади. Энг муҳими, микролизинг ва микрокредитлар салмоқини ошириш учун банкда ички имкониятлар етарли. Миқозларга сифатли ва замон талабларига мос хизматлар тақлиф этилаётганлиги тахсинга лойиқдир. Бу эса банкнинг келажакга бўлган ишончли янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, «ASIA ALLIANCE BANK» мамлакат равнақи, эл фаровонлиги йўлида самарали фаолият юритиб, иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар бир миқозга хизмат кўрсатишнинг индивидуал кўринишларини тақлиф этаётган банкнинг халқроқ миқёсидаги мавқеи ҳам янада юксалиб бормоқда.

Банк матбуот хизмати

Сўранг, жавоб
берамиз!

Фарзандликка олиш тартиби

Мен катта ақомнинг ўғлини, яъни жиянимни чақалоқлик пайтидан бери тарбиялаб келмоқдаман ва у ҳозир 19 ёшга тўлган. Эндиликда уни қонуний фарзандликка олмоқчиман. Бу ишни қай тартибда расмийлаштиришим мумкин?

Б.Тожибаева,
Бухоро тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ, фарзандликка фақат 18 ёшга тўлмаган болалар олиниши мумкин.

Сиз тарбиялаб келаётган жиянингиз 19 ёшга кирган ва уни эндиликда фарзандликка олишни қонуний тартибда расмийлаштира олмайсиз.

Мен бир қариндошимнинг қизини ота-онасининг оғзаки розилиги билан фарзандликка олган эдим. Энди уни қонуний расмийлаштироқчи бўлсам, улар ёзма шаклда розилик бериши шарт, дейишмоқда. Бу тўғрими?

М.Аҳмедова,
Ромитон тумани

Оила кодексининг 159-моддасига асосан, ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши лозим. Турли низолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ота-онанинг розилиги улар томонидан шахсан ёзма шаклда берилиб, имзолари белгиланган тартибда гувоҳлантирилиши талаб қилинади. Шу сабабли сизга, албатта, уларнинг розилигини гувоҳлантириб, васийлик ва ҳомийлик органи орқали қонуний расмийлаштиришни маслаҳат берамиз.

Фарзандликка олинган болани яна такроран фарзандликка олиш тартибини тушунтириб берсангиз?

Г.Машарипова,
Пешку тумани

Оила кодексининг 162-моддасига асосан, фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибда бекор қилингандан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилиши белгиланиб қўйилган.

Саволларга Вобкент тумани ФХДБ бўлими
мудри **Р.ШОДИЕВ** жавоб берди.

Қозоқ миллий маданий маркази: миллатлараро тотувлик, дўстлик, қардошлик тантанаси йўлида

Мустақиллик йилларида юртимизда миллатлараро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни асраш, халқимизга хос бағрикенглик, меҳроқибат туйғуларини кучайтиришга қаратилаётган эътибор тўғрисида турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонни ўзларининг Ватани ҳисоблаб, бу муқаддас заминда тинч-тотув яшаб келишмоқда.

1992 йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданий маркази ва унинг жойлардаги бўлинмалари ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Унинг таркибида дастлаб 12 та, жумладан, қозоқ, корейс, арман, озарбайжон, тожик маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги вақтда юртимизда 140 га яқин миллий маданий марказ мавжуд.

Қозоқ миллий маданий маркази ҳам бугунги кунда икки қардош халқ ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Марказ раҳбари Марат Укубаев билан суҳбатимиз кейинги йилларда қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ишлар борасида кечди.



мустаҳкамлаш, бу эзгу мақсад йўлидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий аниёна ва қадриятларни асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, кенг тарғиб этишга ҳисса қўшиш.

Айни чоғда, қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар, улар ижодига бағишланган кечалар ўтказиш одати тузига кирди. Жумладан, Қозоқ миллий маданий маркази Қозғистоннинг Ўзбекистонда-

лида, балки халқаро танловларда ғолиб бўлаётган ёшлар ҳам қўлиги бизни қувонтиради. Масалан, "Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз" номи фестивал лауреати бўлган навоийлик Сержан Жанахмедов Россияда ўтган танловнинг эстрада қўшиқчилиги йўналишида ғолиб бўлди. Албатта, фарзандларимизнинг ютуқлари бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ўсиб келаётган ёшларни миллий маданият марказимиз билан биргаликда қўллаб-қувватлаб, уларнинг баркамол вояга етишида ҳамда санъатга ихлос қўйишида яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз. Шунингдек, таълим йўналиши бўйича ҳам бизда қатор иқтидор соҳиблари бор. Бу эса, республика-миздаги ёшларга қаратилаётган ғамхўрликдан далолат бериб, уларнинг бугуни ва эртаси порлоқ бўлиши, юрт қорига бел боғлаши, муносиб фарзанд бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, Бўстонлик туманида алоҳида музей ташкил этилган бўлиб, биз ёшларни у ерга турли бадий санъат намуналари билан, қозоқ миллий маданияти-урф одати билан таништиришга олиб борамиз.

— **Қозоқ миллий маданий марказининг режалари билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Юқори Чирчиқ туманида Қозоқ миллий театрини очиб қаратиш режаси бўлиб, биз ёшларни у ерга турли бадий санъат намуналари билан, қозоқ миллий маданияти-урф одати билан таништиришга олиб борамиз.

Шубҳасиз, фаолиятимиз миллатлар ўртасида қардошлик, меҳроқибатни, жумладан, ўзбек-қозоқ миллатининг азалий дўстлик-биродарлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Феруз ЖҲАЕВ
суҳбатлашди.

юртимизда 140 га яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда

дан иборат. Марказлар томонидан ташкил этилаётган турли маданий-маърифий анжуманлар, турли мавзулардаги учрашув ва суҳбатлар ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, юртимизда аниёнавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивали турли миллат ва элатлар мансуб фуқароларнинг ўз она тили, миллий аниёналарини асраши, тарғиб этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Маданий марказлар қошида ташкил этилган бадий жамоалар шу миллатларнинг миллий санъати, фольклори, аниёна ва удумларини ўзларида акс эттирган дастурларини мунтазам намойиш этиб боришади.

ги элчихонаси билан биргаликда буюқ қозоқ шоири Абай таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш тадбирини ўтказди.

— **Бугунги кунда миллий маданий марказда республика-миздаги қозоқ миллатига мансуб аҳоли билан биргаликда қандай ишлар олиб боришмоқда?**

— Республика-мизда 810 мингдан ортиқ қозоқ миллатига мансуб аҳоли яшайди. Республика Қозоқ миллий маданият маркази 1992 йилда ташкил бўлиб, 2012 йилда марказнинг 20 йиллиги кенг нишонланди. Бугунги кунда республика-мизда қозоқ тилида таълим бериладиган 417 та мактаб, педагогик университетларида қозоқ тили мутахассислиги бўйича факультетлар ташкил этилган. Тошкент шаҳри, Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим даргоҳларида қозоқ тили ўқитувчи кадрлари етиштирилмоқда. Ушбу университет факультетлари кичик синфларга қозоқ тилида дарс бериш, мактабда таълим бериш ихтисосликларидан иборат. Қозоқ миллий маданий маркази ўзининг вилоятдаги бўлимлари билан биргаликда республика миқёсида ўтказиладиган "Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз" номи фестивалида фаол қатнашади. Шу билан бирга, биз унда иштирок этган қатнашчилар ичидан янгидан-янги иқтидорли ёшларни, лауреатларни кашф этамиз. Буларнинг орасида нафақат республика фестива-

тили, маданияти ва маросимлари куйи" ўтказилади. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар Қозғистондаги ўзбекларнинг миллий аниёна ва урф-одатларини ривожлантиришга хизмат қилаётган алоҳида таъкидлаш жойи.

— **Маълумки, ўзбек ва қозоқ халқларининг қардошлик илдизлари мингйиллик тарих эга. Тили, аниёна ва урф-одатлари бир-бирига яқин икки қардош халқ ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланишида маданий алоқаларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу узвий ришталарни чамбарчас боғлашда миллий маданий марказнинг ўрни қандай?**

— Миллий маданий марказнинг асосий мақсад ва вазифалари жамиятимизда миллатлар ўртасида қарор топган аҳиллик ва тотувликни, бағрикенглик тамойилларини янада



Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ «ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ» ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

"Фарғона вилоят Фарғона шаҳридаги "Кафолат" ДАСК суғурта компанияси филиали биноси қурилиши".

Муддати — 01.11.2013 йил

Бошланғич нархи — 2 706 751 600 сўм ҚҚС билан;

2255 626 400 сўм ҚҚСсиз.

Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси-7.

Тел. (373) 224-11-53, 224-00-42 (факс).

Қурилиш ишлари: "Кафолат" ДАСК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй,

телефон/факс: (373)224-18-71

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куйи ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон қоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, **Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.**

Сурияликлар ёрдамга муҳтож

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича агентлиги 6,8 миллион суриялик ёрдамга муҳтож эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммони ҳал этиш учун халқаро ҳамжамиятни 4,4 миллиард доллар ажратишга чақирмоқда. Минглаб суриялик қочоқларга бошпана берган Иордания ва Ливан эса қўшимча равишда 830 миллион доллар сўрамоқда.



Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссар Антонио Гутерреснинг фикрича, агар масала вақтида ечимини топмаса, минтақа учун ёмон оқибатларга олиб келади, жумладан, беқарорлик кучайиб, муаммо кўлами кенгайди. Ана ундан кейин эса унинг ечимини учун ҳозиргидан бир неча баробар кўпроқ маблағ талаб қилинади.

БМТ расмийлари ҳам ушбу нуқтаи назарни маъқуллашмоқда. "Бу маблағга америкаликлар 32 кун музқаймоқ олиб ейиши, австралияликлар ўн ҳафта хориж таътилига чиқиши ёки германиялик ҳайдовчилар олти ҳафта бензин сотиб олиши мумкин", дейди Антонио Гутеррес.

Саудия шаҳзодаси Forbes журналининг судга берди

Шаҳзода ал-Валид бин Талал миллиардерлар рейтингига унинг бойлигига нотўғри баҳо бергани учун Forbes журналининг судидан Лондон олий судига арз қилди. Бу ҳақда The Guardian газетаси хабар беради.



Ал-Валид Forbes ношири, муҳаррир Рэндалл Лейн ва нашрнинг исмлари ошқор этилмаётган икки нафар муҳбирини тўхмат қилишда айблаган. Шаҳзода-нинг фикрича, журнал унинг бойлигини 9,6 миллиард долларга камроқ кўрсатган. Миллиардер-нимани хоҳлаётгани ҳақида аниқ маълумот берилмаган.


Маълумотларга кўра, шаҳзода ал-Валидининг даъволари таҳририятда қайратга сабаб бўлган. Журналдагиларнинг қайд этишича, шикоят берилган жой, айниқса, ҳайрон қоларли, чунки бойлик миқдори ҳақидаги мақоланинг Британия ҳуқуқшунослиги билан алоқадор жойи йўқ.

Ал-Валид рейтингдаги ўз ўрни борасида шу йилнинг март ойи бошида, журнал чоп этилган куннинг эртасига эътироз билдирган. Шаҳзода миллиардер рейтингига 20 миллиард доллар бойлик билан 26-ўриндан жой олган. Ал-Валид ўзини рейтингдан чиқариб ташлашларини талаб қилиб, журнални яқин шарқлик сармоядорларни камситишда айблаган.

Шундан сўнг Forbes журналистлари нима учун ал-Валидининг бойлиги 29,6 миллиард эмас, 20 миллиард доллар деб, баҳолаганини тушунтириб беришган. Журналистларнинг аниқлашларича, шаҳзода-нинг асосий активлари — Kingdom Holding'нинг акциялари нархи сўнгги бир неча йил давомида мунтазам ошиб борган. Forbes Саудия биржасида сотиладиган Kingdom Holding акцияларини ал-Валид манипуляция қилган, деган хулосага келиб, шаҳзода-нинг бойлигини ҳисоблаш методларига ўзгартиш киритган.

Юксак, янада юксак

Британиялик альпинист Даниел Хьюз ер шарининг энг баланд нуқтасидан туриб телефонда сўзлашиш мумкинлигини исботлади.



Хьюзнинг таъкидлашча, у Жомолунгма чўққисидан туриб смартфон ёрдамида видеооқаёга чиққан инсоният тарихидаги биринчи одам бўлди. Маълумот учун шунини айтиб ўтиш кераки, альпинист айнан НТС Опе русумли телефон апаратидан фойдаланган. Мутахассислар бошқа турдаги телефон апаратларидан бундай баландликдан туриб фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳозирча аниқ тўхтамга келганларича йўқ. Лекин нима бўлганда ҳам ўтган эсда Хьюзлай тоғининг энг юқори қисмига, яъни денгиз сатҳидан 8848 метр баландликка оғи етган инсон, бугун ўрта-миёна самолётлар кўтарилмайдиган мана шу баландликдан туриб телефонда бемалол гаплашмоқда.

Кислород ниқобини кийиб олган Хьюз суҳбатининг алоқа сеанси икки дақиқа-ю қирқ беш сония давом этди. Хьюз видеоалоқани амалга ошириш учун сунъий йўлдош орқали ImParsat интернет операторига таянган ҳолда алоқа ўрнатган ва тармоққа махсус терминал воситасида уланган. Хьюз ташкил қилган алоқа сеансига Непал ҳукумати эътироз билдирмоқда, дея хабар беради My Republica ахборот агентлиги. Уларнинг фикрича, Жомолунгма чўққисидан туриб амалга ошириладиган ҳар қандай турдаги алоқани ташкил этишдан олдин мамлакат алоқа вазирлигидан рўхсат олиш талаб этилади.

Жомолунгма чўққисига Хьюз билан бир кунда яна 145 нафар одам кўтарилган. Улар орасида дунёда биринчи бўлиб чўққига чиқишга муваффақ бўлган аёл эгизаклар — ҳиндистонлик опа-сингиллар ҳам бор. Аммо бу эгизаклар "ҳақиқий оламшумул воқеа"нинг соясида қолиб кетаётганликларида ранжишмоқда.

Садоқат КУПАЛОВА



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

Аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилади. Ушбу тўловларни «Асака» банк (ОАЖ) барча филиаллари, минибанклари ва махсус кассаларида нақд пулда ёки пластик карточкалар орқали амалга оширишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар:

Филиаллар ва минибанклар фаолияти бўйича:
(8-371) 120-82-72, 120-82-66, 120-82-29.

Махсус кассалар фаолияти бўйича:
(8-371) 120-39-48, 120-39-87.

Инфокиосклар ва тўлов терминаллари бўйича:
(8-371) 120-81-79, 120-81-90, 120-82-76, 120-81-39.

«Асака» банк (ОАЖ) – молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк (ОАЖ)

кўп каналли ягона

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами:
(8-371) 120-82-88

Тўловларни қабул қилувчи филиаллар ва минибанклар манзили

«Асака» банк (ОАЖ) расмий веб-сайтига
(www.asakabank.com) жойлаштирилган.



2013 йил қишлоқларда яна 10 мингта намунавий лойиҳадаги уй-жой барпо этилади

Миллий матбуот марказида

Уларнинг 8182 таси «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ иштирокида молиялаштирилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва мазкур банк ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланди.

2009-2012 йиллар давомида имтиёзли ипотека кредитлар ҳисобига намунавий лойиҳалар асосида 23500 дан ортиқ замонавий ва кўркам турар-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банки» ушбу жараёни кенг миқёсда молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва юридик шахсларга кредит бериш, замонавий қурилиш маҳсулотлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга банк хизмати кўрсатилишини таъминлашда етакчиликни қўлга киритаётган тизимлардан биридир.

Бугунги кунгача банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиаллари ҳисобрақамларига жами 457,8 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ўтказилган. Намунавий лойиҳалар асосида аҳолига тайёр ҳолда топшириладиган уй-жойларни қуриш учун Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори талаблари асосида ўтказиладиган танловга кўра голиб деб топилган 818 та пудратчи ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Сўнгги пайтларда қишлоқ аҳолисини атрофида барча инфратузилмага эга сифатли уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида чет эл банклари кредит линиялари ҳам жалб қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 11 январдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш лойиҳасини Осиё Тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган устувор чоралар тўғрисида»ги Қарори асосида «2012-2015 йилларда Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини

ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури» тасдиқланган.

Мазкур Дастур доирасида ОТБ кредит линияси ҳисобидан 179,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар ўзлаштирилган бўлиб, тўлиқ миқдорда манзилли йўналтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси уй-жой коммунал комплекси фаолиятини яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш тарафдори. Ўз-ўзидан матбуот анжуманида партиянинг ушбу позициясидан келиб чиқиб, сўнгги пайтларда аҳолига тайёр ҳолда топширилаётган намунавий лойиҳадаги яқка тартибдаги уй-жойларнинг миқдори жиҳатидан кўпчилигига эмас, сифат жиҳатидан мукаммал кўрсаткичларга эришилишига алоҳида эътибор қаратиб, биз, тахририят ходимлари қурилиш сифатидан норози бўлган фуқаролар қандай йўл тутишлари юзасидан савол бердик.

— Имтиёзли кредит асосида уй-жойга эга бўлган буортмачи қурилиш ишларидан норози бўлган тақдирда юзга келган камчиликни бартараф этишни сўраб, пудратчи ташкилот билан имзолаган шартномада белгиланган муддат давомида (аксарият ҳолларда ушбу муддат 1 йил сифатида белгиланган) мурожаат этиши мумкин, — деди «Қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бош муҳандиси А.Қамбаров.

Шунингдек, матбуот анжуманида банкнинг бошқа хизматлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Саодат ЖАББОРОВА,
«Adolat» мухбири

Электрон мурожаат мурожаат эмасми?

Хатларимизга «Мендан кетгунча...» қабилидаги расмий жавоблар учраб турибди

Мулоҳаза

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда босқич-ма-босқич жорий этилаётган электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий база давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ундаги Низомлар асосида аксарият давлат ташкилотлари ўз веб-саҳифаларига эга бўлиб, улар орқали халқимизга кенг миқёсда ахборот тақдим этилмоқда. Зотан, ҳозирги глобаллашган ахборот макони шароитида фуқароларни тўлиқ, холис ва тўғри ахборот билан таъминлашнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Аҳоли ўртасида интернетдан фойдаланувчилар сонининг муттасил ўсиб бораётгани, замонавий технологияларнинг оммалашаётгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Uz доменига эга

қарийб 16 575 та турли даражадаги сайтлар фаолият юритмоқда. Улардан 54 фоизи юридик шахсларнинг веб-саҳифалари ҳисобланса, қолган 49 фоизи жисмоний шахсларга тегишли.

Аҳоли энг кўп мурожаат этадиган ва қизиқиш билдирадиган давлат бошқаруви органларидан бири маҳаллий ҳокимликлар ҳисобланиб, бугунги кунга келиб республикаимиздаги барча вилоят ва шаҳарлар ҳокимликлари ўз расмий веб-саҳифасига эга. Уларда ҳудуд миқёсидаги янгилик ва амалга оширилаётган ишхотлар ҳақида маълумот берилиши билан бир пайтда аҳоли узоқ масофадан туриб маҳаллий ҳокимият вакиллари билан интернет орқали алоқада бўлиши, тегишли таклиф ва мурожаатларини масъул шахсларга етказиши имкониятини берувчи «Фуқаролар мурожаати» деб номланувчи алоҳида катта бўлим мавжудлиги халқимизга қулайлик туғдирмоқда.

Тахририятимизга келиб тушадиган аксарият мурожаатлар ўрганиш ва қонуний қарор

Мурожаат тикет рақами: № 130301125

Мурожаат статуси: Кўриб чиқилган ва жавоб берилган

Муаллиф	Хабар
«Adolat» газетаси Ахборот, хат ва шикоятлар билан ишлаш бўлими мудбири Саодат Содиқова Ургут тумани Тошкент шаҳри, Шарк тоғи, 23	1 март 2013 йил, 12:51 Тумандаги 6 минг нафар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатаётган «Ипакчи» қишлоқ врачлик пункти ходимлари «Adolat» интернет-сайтига кўриб чиқилган шикоятлар билан мурожаат қилган. Ушбу масала юзасидан тегишли сўрашларга жавоб қилинганда ҳамда қонуний қарор қабул қилиб, танқидий-таъкидлий масала тайёрлашда Сиз мурожаатини асослаётган ёрдам ва ҳамкорлиги керак бўлмоқда. Ававалдан эътиборингиз учун раҳмат. Хатини жавобга қолмади, деган умидимиз.
Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси Самарқанд шаҳри	2 март 2013 йил, 14:01 Сизнинг мурожаатингиз Ургут туман ҳокимлигига кўриб чиқилди учун ёқиб берилди.
«Adolat» газетаси Ахборот, хат ва шикоятлар билан ишлаш бўлими мудбири Саодат Содиқова Ургут тумани Тошкент шаҳри, Шарк тоғи, 23	16 апрель 2013 йил, 17:05 2013 йил 16 апрель кундаги кўра, газетига Ургут туман ҳокимлигидан келган қандай расмий жавоб келмади. Шу сабабга мисалга олинган кўриб чиқилган 17 апрель кунда расмий жавоб беришнинг кўрама.
Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси Самарқанд шаҳри	25 апрель 2013 йил, 12:34 Ургут туман ҳокимлигига қўрилган равишда топшириқ берилди.

қабул қилиниши учун шикоят қилинаётган ташкилотдан юқорироқ даражадаги инстанцияга жўнатилиши одат тусига айланган. Ана шундай мурожаатлардан бири — Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Ургут туман Ипакчи КВП ходимларига тегишли эди. Мурожаатчиларнинг ёзишича, тумандаги эски мактаб биносида ишга туширилган 6 минг кишидан зиёд фуқарога тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга КВП учун ажратилган ҳудуднинг маълум қисми туман ҳокимлиги вакиллари томонидан асоссиз олиб қўйилган.

Биз ушбу масала юзасидан қонуний қарор ва ҳулоса тақдим этилишини сўраб, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг www.samarqand.uz сайтининг виртуал қабулхонаси орқали хат жўнатдик.

Ўз-ўзидан маълумки, виртуал қабулхонанинг ўзига яраша шакли мавжуд бўлиб, унга мурожаатчининг исм-шарифи ва электрон почтаси, юридик манзили каби маълумотлар киритилиши шарт. Мурожаатнинг қисқача мазмуни ва юқорида сўралган маълумотлар киритилган, менга «тикет рақами» берилди. Бир кундан сўнг сайтнинг «Мурожа-

атлар ҳолати» бўлимига кириб, электрон почта ва тикет рақами ёздим ва менга «Сизнинг мурожаатингиз Ургут туман ҳокимлигига кўриб чиқилди» деган жавоб келганидан хабар топиб, мана, ниҳоят виртуал қабулхона жорий этилган, аввалги, эскича услуб ўз қучини йўқотар экан, деган фикрга келдим. Бироқ...

Бироқ «мурожаат ҳолати» ўн кундан сўнг ҳам, бир ойдан сўнг ҳам худди шу алфозда, яъни туман ҳокимлигига ўрганиш учун юборилгани ҳақидаги хабар кўринишида турар эди, энг қизиғи, «Мурожаат статуси» деган сўз бирикмаси қаршида «Кўриб чиқилган ва жавоб берилган» жумлалари келтирилганлиги кишини ҳайратлантиради.

Ахир, ҳудудий ҳокимликдан норози бўлган фуқаронинг мурожаати вилоят миқёсида ўрганилиб, тегишли қонуний қарор чиқарилиши, халқона айтганда, ким ҳақ ёки ноҳақ эканлиги вилоят даражасида аниқланиши учун жўнатилган хат яна нима учун ўша ҳудудий ташкилотга жўнатилаётгани ва энг муҳими, Ургут туман ҳокимлигидан ҳеч қандай жавоб келмагани биз, тахририят ходимларини ўйга

толдиради. Шунда ҳам умидимизни узмай, биз 1,5 ой муддатдан сўнг такрорий хат билан яна сайтга мурожаат этиб, Ургут туман ҳокимлигидан ҳеч қандай жавоб бўлмагани ҳақида маълум қилдик. Орадан роппа-роса 9 кун ўтгач, бизга туман ҳокимлигига қўшимча топшириқ берилгани мазмунидagi жавоб келди.

Шу ўринда, савол туғилади. Давлат бошқаруви ташкилотларининг очиқлиги, шаффофлиги ҳақида кўп бора тўхталинаётган бир пайтда вилоят ҳокимлиги сайтида «жавоб бердикми, бердик» қабилида иш тутилгани, масала юзасидан бирон-бир тахлилий-тадрийий маълумот берилмагани фуқароларимизда таажуб уйғотмайdimи?

Албатта, биз ушбу мурожаат бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам аризининг нусхаси билан бирга хат жўнатган эдик. Буни қарангки, хатта қонунда белгиланган 15 кун муддат ичида жавоб келди. Унга кўра, «...эски мактаб биноси Ургут туман ҳокимлигининг 2006 йил 1 августдаги 1250-К-сонли қарори асосида КВПга айлантирилган бўлиб, унинг учун 0,4 гектар ер ажратилган, қолган 0,92 гектар ер майдони туман ҳокимлиги заҳира ер майдонига олинган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги Яқка тартибдаги уй-жой қурилиш тўғрисидаги қароридagi Низомга асосан 2011 йилда Ипакчи маҳалласида яшовчи 18 нафар фуқарога 0,04 гектардан уй-жой қуриш учун ажратиб берилган».

Эътибор беринг, виртуал мурожаат ҳамда ёзма мурожаатга бўлган муносабат бир-биридан фарқланиб турибди.

Биз ҳар бир виртуал мурожаат шу тарзда ўрганилмоқда, деган фикрдан йироқмиз. Мақсадимиз, қайсидир ваколатли шахс ёки ташкилот фаолиятини танқид, изза қилиш эмас, балки яратилган шарт-шароитдан самарали фойдаланиб, юксак технологиялар ёрдамида, янгилаш услубида жон қуйдириб ишлаган вақти аллақачон етиб келганини ёдга солмоқчимиз, холос.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

«7-АВТОКОРХОНА» очиқ акциядорлик жамияти

«D» тоифага эга бўлган

ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц»
автobуси ҳайдовчилари учун 750-800 минг сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу»
автobуси ҳайдовчилари учун 500-600 минг сўм.

Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи 250-300 минг сўм.



Манзил: 100161, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 49-уй.

Телефонлар:
279-95-34,
279-95-31.

ADOLAT
иҳтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРИТҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифини бажарувчи: Абдулвали САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибят — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлиги томонидан 0018
рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А-2. Адади — 12290. Босишга топшириш вақти — 21.50. Босишга топширилди — 22.30

1 2 3 4 5

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2073-5237

4772041521004

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Кенгаш раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуқамол Раҳмоновга волидаи муҳтарамаси **БАХМАЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.